



ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

PhD Дусанов Салим

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
Ўзбекистон халқаро исломушунослик академияси
ORCID: 0009-0005-1912-0023
msalimd@mail.ru*

Аннотация. Мақолада таълим тизимида молиявий ресурслар, молиялаштириш масалалари, муаммолари ҳамда унинг аҳамияти кўрсатиб ўтилган. Шу билан бир қаторда таълим муассасаларида молиявий ресурслар самарадорлиги, молиялаштиришнинг янги моделларини амалиётга жорий этиш асосларига таҳлилий ёндашувлар келтирилган.

Калит сўзлар: таълим тизими, молиялаштириш, молиялаштиришнинг ҳолати, муаммолар ва молиявий ресурслар самарадорлиги, молиялаштириш зарурияти, тақомиллаштириш, молиявий барқарорлик.

НЕОБХОДИМОСТЬ УЛУЧШЕНИЯ ФИНАНСИРОВАНИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УСЛУГ

PhD Дусанов Салим

*Ташкентский государственный экономический университет,
Международная исламская академия Узбекистана*

Аннотация. В статье рассматриваются финансовые ресурсы, вопросы финансирования, проблемы и их значение в системе образования. Представлены аналитические подходы к эффективности использования финансовых ресурсов в образовательных учреждениях и основы внедрения новых моделей финансирования.

Ключевые слова: система образования, финансирование, состояние финансирования, проблемы и эффективность использования финансовых ресурсов, потребность в финансировании, совершенствование, финансовая устойчивость.

THE NEED TO IMPROVE FUNDING FOR EDUCATIONAL SERVICES

PhD Dusanov Salim

*Tashkent State University of Economics,
International Islamic Academy of Uzbekistan*

Abstract. The article discusses financial resources, financing issues, problems and their significance in the education system. At the same time, analytical approaches to the effectiveness of financial resources in educational institutions and the basis for implementing new financing models are presented.

Keywords: education system, financing, state of financing, problems and effectiveness of financial resources, the need for financing, improvement, financial stability.

Кириш.

Тадқиқотларда таълим тизимини молиялаштириш механизмини янада такомиллаштириш, давлат бюджетидан молиялаштиришнинг самарали усул ва мезонлари, амалга ошириш тамойилларини тадқиқ этиш, молиялаштириш жараёнида самарадорликни оширадиган инновацион воситаларни қўллаш, молиялаштириш жараёнларига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва соҳага интенсив ўқув дастурларини киритиш орқали молиялаштиришда ижобий натижага эришиш каби йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунга келиб, таълимни молиялаштиришда хусусий сектор иштирокининг ортиши кўзатишга эришди: бу эса ўз навбатида Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) шаклларида ривожланишига замин яратди ва таълим соҳаси ривожланишига олиб келмоқда.

Таълимнинг барча босқичларини молиялаштириш, таълимдаги молиявий ресурслар самарадорлиги ва унинг эволюцияси бевосита давлат ҳамда хусусий секторнинг тараққиётига ва ривожланишига узвий боғланган ҳолатда ривожланиб бормоқда. Ҳозирда таълимни молиялаштириш турли хил молиявий манбалар орқали амалга оширилиб, рақамли технологиялар ва инновациялардан кенг фойдаланилмоқда. Аммо бугунги кунда юзага келган таълим хизматлари бозоридаги жиддий рақобат муҳити молиялаштириш моделларини такомиллаштириш заруриятини юзага чиқармоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Республикада таълимнинг бирча босқичларидаги таълим ташкилотларини молиялаштириш масаласини илмий тадқиқ этишни кўзда тутган илмий асарлар кам яратилган. Бироқ, олий таълим, мактаб таълими шаклларида молиялаштириш масалалари алоҳида кўрилган. Хусусан, Жумаев ва Рахмоновлар (2018) олий таълим олишни хусусий манбалар ҳисобидан молиялаштиришга эътиборни қаратиб, олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилган сўровга биноан олий таълим олишнинг шартнома тўлов қийматларини шакллантиришга асос бўлувчи илмий ҳулосаларни шакллантириб берганлар. Йўлдошев (2018) ҳам олий таълимни молиялаштириш юзасидан ўзининг фикрларини берган. Хусусан, олий таълим хизматларини етказиб берилишида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, франчайзинг амалиётини қўллашга доир ўзининг илмий таклифларини бериб ўтади. Махмудов (2015) эса, олий таълим тизимини молиялаштиришда халқаро тажрибалардан фойдаланиш имкониятларини баҳолаб беради. Жумладан, Европа мамлакатлари олий таълим муассасаларини бюджетдан молиялаштириш тенденцияларини таҳлил қилади ва Ўзбекистонда қўллаш юзасидан таклиф ва тавсияларни таъкидлаб ўтган. Шеров (2016) ўзининг мақоласида таълим тизимини давлат томонидан молиялаштирилишига эътибор қаратади. Бунда мактабгача таълим муассасаларидан тортиб олий таълим олишгача бўлган даврни молиялаштириш тўғрисида ва давлат дастурларида эътибор берилаётган жиҳатларни келтириб ўтади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, таълим ташкилотларини молиялаштириш бўйича амалга оширилган тадқиқотларда таълимнинг олий таълим қисмини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Халқ таълимини молиялаштириш бўйича қилинган тадқиқот сифатида Дўстмуҳаммаднинг (2017) илмий тадқиқотини мисол қилиб келтириш мумкин бўлади. Н.Норқобилов ўзининг тадқиқотида таълим тизими икки муҳим вазифани бажариши қайд этиб ўтилган: биринчидан, инсон шахсини камол топтириш, такомиллаштириш, уни маънавий, ахлоқий, бадиий жиҳатдан ривожлантириш, маънавий етук, баркамол инсон бўлиб етишишига ёрдам бериш; иккинчидан, иқтисодий вазифани бажариб, малакали ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш. Федина (2005) томонидан мактабгача таълим тизимини самарадорлигини баҳолашни характерловчи тўртта кўрсаткични

кўрсатиб ўтган: –аҳолининг мактабгача таълим хизматларига бўлган талабини инобатга олган ҳолда давлат кафолати асосида мактабгача таълимни таъминлаш; –болаларга таълим бериш ва бошқа харажатларни амалга ошириш шартшароитлари; –кадрлар потенциали; –бюджетдан молиялаштириш ва молия-хўжалик фаолияти. Шунингдек, Сидорова (2012) томонидан олиб борилган тадқиқотларда таълим тизимини мамлакат иқтисодиёти учун устуворлигини белгилаб берувчи индикаторларни ишлаб чиқишишни назарда тутган тадқиқотларни амалга оширган. Хорижлик олимлардан, Мингат ва Таннинг (1996) ҳам тадқиқотларида бу борада илмий хулосалар мавжуд. Хусусан, бюджет харажатлари улуши таълимнинг навбатдаги босқичларига нисбатан тескари пропорционал бўлишини таъкидлаб ўтишади, яъни, юқори даромадли давлатлар олий таълимга бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишга жиддий эътибор қаратар экан. Таълимда бюджет харажатларини сезиларли бўлиши билан бирга, уларнинг самарадорлигини белгилаб берувчи индикаторларни ҳам ишлаб чиқиш долзарблик касб этади. Шу билан бир қаторда, таълим тизимини молиялаштиришда “молиялаштириш” тамойилларини ва унинг ташкилий-иқтисодий асосларини ҳам чуқур тадқиқ этиш долзарб масалалардан бири сифатида қолмоқда.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот олиб бориш давомида монографик таҳлил ҳамда эксперт ва тизимли таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда таълим муассасаларини молиялаштиришни такомиллаштиришнинг аҳамияти ва молиявий ресурслар самарадорлигини ошириш усулларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрланди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

XX асрга келиб жаҳон иқтисодиётида глобллашув жараёнининг кескин кенгаши ортидан таълим тизимини молиялаштириш ва уни миллий манфаатлар соҳаси сифатида эътироф этиш устувор вазифага айланди.

Таълим хизматларига йўналтириладиган харажатларни молиявий қўллаб-қувватлашнинг етакчи манбаи турли даражадаги давлат бюджети маблағлари ва бюджетдан ташқари фондлардан жалб этиладиган маблағлар йиғиндисидан иборат бўлди. Давлат даражасида қуйидаги мақсадлар учун маблағлар таъминланади: давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таълим муассасаларини сақлаш, давлатнинг таълим сиёсатини амалга ошириш. Молиявий қўллаб-қувватлашга муҳтож ҳудудларга ўтказмалар доирасида таълим субсидия ва субвенциялари дастурларини жорий этиш.

Бюджетнинг таълимга бўлган харажатлари - мактабгача, мактаб таълими ўрта ва олий таълим ҳамда олий таълимдан кейинги таълим ҳамда қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни молиялаштириш ҳам таълим соҳасидаги бошқа харажатларга бўлинади.

Бугунги кунда таълим соҳасидаги молиявий ресурсларнинг манбалари жуда хилма-хилдир. Улар бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан, шу жумладан таълим муассасаларининг ўз маблағларидан иборат. Ўз навбатида, бюджетдан ташқари жамғармалар бюджетдан ташқари жамғармалар (бандлик, ижтимоий суғурта ва бошқалар), ташкилотлар, аҳоли ва хорижий манбалар маблағлари ҳисобидан шаклланади. Бюджетни молиялаштириш бюджетлараро қайта тақсимлаш механизмида фойдаланган ҳолда барча даражадаги бюджет тизимининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Таълим муассасалари ташкилий-ҳуқуқий шаклларида кўра давлат, қўшма, нодавлат (хусусий, жамоат ва диний ташкилотлар (бирлашмалар) муассасалари) бўлиши мумкин. Молиялаштириш манбалари нуқтаи назаридан, давлат ва давлат-хусусий шерикчилигидаги таълим муассасаларини бир гуруҳга бирлаштириш мумкин, чунки уларни молиялаштириш давлат ва маҳаллий бюджетларини ўз ичига олган жамланма бюджетининг бирлигига асосланади. Мамлакатларнинг Бюджет

кодексига мувофиқ, таълим муассасаларини молиялаштириш фақат тегишли таълим муассасасининг таъсисчиси тегишли бўлган даражадаги бюджетдан амалга оширилиши мумкин.

Мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари асосан давлатларнинг муниципалитетлари ва таъсис субъектларининг юрисдикциясида бўлиб, шунга мос равишда маҳаллий бюджетлар ва мамлакатларнинг таъсис субъектларининг бюджетлари ҳисобидан молиялаштирилади. Шу билан бирга, маҳаллий бюджетларнинг улуши камайиб, маҳаллий бюджетларининг улуши ортиб бормоқда.

Бугунги кунда ривожланган давлатлар таълим соҳасида янги стратегияларни ишлаб чиқмоқда - таълим муассасаларига автономия(мустақиллик) бериш, стратегик режалаштириш ва таълим сиёсатини ва дастурларини ишлаб чиқишни марказсизлаштириш; давлат маблағларини таълим муассасаларига тақсимлашнинг янги механизмларини шакллантириш каби йўналишларда.

Хофман (2000) таълимни молиялаштиришнинг ҳозирги вақтда ишлаб чиқилган учта моделини келтириб ўтган:

1.Таълим ташкилотларини молиялаштиришнинг эркин бозорга йўналтирилган модели.

2.Умумий бозорга йўналтирилган таълимни молиялаштириш модели.

3.Муқобил интеграциялашган жамиятга йўналтирилган таълимни ижтимоий молиялаштиришнинг бозорга қарши модели.

Юқоридаги моделларнинг асосий ҳояси ва мақсади, уларнинг барчаси меҳнат ресурсларини ҳар қандай мамлакат фаровонлигининг энг муҳим манбаи деб билишида.

Умумий бюджетни молиялаштириш стандартдан фойдаланиш таълим муассасаларининг бюджетини шакллантириш, молиявий ресурсларга бўлган объектив эҳтиёжларни аниқлаш имконини беради, таълим соҳасидаги молиявий оқимларни шакллантириш ва ўтказишда шаффофликни таъминлайди. Молиялаштиришнинг меъёрий тамойили кўп жиҳатдан таълим соҳасини бошқаришни марказлаштирмаган ҳолда ва таълим муассасаларининг иқтисодий мустақиллигини ривожлантиришнинг изчил сиёсатини олиб боришда зарур ва муқаррар момент ҳисобланади.

Таълим ташкилотларини аҳоли жон бошига меъёрий молиялаштиришнинг асл ғояси (жон бошига норматив молиялаштириш-ЖБНМ) ўтган асрнинг 50-йилларнинг ўрталарида Фридман (1971)томонидан илгари сурилган.

Мазкур таълим хизматларини аҳоли жон бошига норматив молиялаштириш жараёнини амалиётга тадбиқ этишда амалий тажрибаларда бугунги кунда кўпгина субъектлари учун хос бўлган бир қатор умумий муаммоларни ўртага чиқмоқда, улар орасида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

1. Молиялаштириш стандартларини белгилашда бир хилликнинг йўқлиги. Стандартлар таълим муассасасининг ҳар бир тури ва тоифаси, талаба, ўқувчига тўғри келадиган таълим дастурлари даражаси, шунингдек, бошқа асосларда белгиланади. Яъни, ҳозирги вақтда молиялаштириш стандартларини аниқлаш учун қатъий талаблар ва андозанинг мавжуд эмаслиги уларни гуруҳлар бўйича, ҳар бир квадрат метр бино майдони учун ва умуман, субъектнинг ваколатли органлари томонидан тасдиқланган ҳар қандай формула бўйича аниқланиши мумкин бўлган ҳолатда қолмоқда.

2. Доимий бўлмаган турли ўзшартириш коэффициентларни ҳисобга олиш муаммоси, муайян харажатларни молиялаштиришга бўлган мавжуд эҳтиёжни этарли даражада акс эттирмай. Шундай қилиб, ҳар хил турдаги коммунал хизматлар учун тарифлар нисбатининг ўзгариши бутун коэффициентлар тизимини қайта ҳисоблаш заруриятини келтириб чиқаради.

3. Таълим хизматлари бозорида етарли даражада соғлом рақобатнинг мавжуд эмаслиги.

1-жадвал

Жон бошига норматив молиялаштириш моделлари таснифи

	Модел I	Модел II	Модел III
Нормативларни аниқлаштириш	Таълим стандарти (мажбурий таълим-кафолатланган минимал)	Ўртача бирлик харажатлари	Таълим муассасаларининг турлари ва турлари бўйича стандартлар
Норматив ҳисоблаш	Дастур ва ўқиш йили бўйича асосий ўқув режаси соатлари, дастур турлари бўйича харажатларни ошириш коэффициентларидан фойдаланиш асосидир	Асос - ОС турлари ва турларидан қатъи назар, ўртача ўзига хос харажатлар	Асос - ҳар хил турдаги ва типдаги таълим муассасаларида намунавий штат бирликлари
Хусусиятлари	Талабалар сонининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади	Норматив шаҳар ва қишлоқ мактаблари учун алоҳида белгиланади.	Стандартни ҳисоблаш учун асос ҳар бир турдаги ва типдаги таълим муассасаси учун намунавий штат жадваллари ҳисобланади. Намунавий стандартдаги штат жадваллари фақат стандарт қийматларни аниқлаш учун ишлатилади.
Харажатларни ҳисоблашнинг норматив формаласи	$R_i^{sn} = Z_i^{sn} + P_{tarlim}$ Бу ерда: Z_i^{sn} - синф (лар) тури ва таълим даражаси (н) бўйича бир ўқувчига тўғри келадиган давлат умумтаълим стандартини амалга ошириш учун и-чи бюджет иш ҳақи харажатлари. P_{tarlim} - бир талаба учун ўқув жараёнини таъминлаш харажатлари. Z_i^{sn} қуйидаги формула билан аниқланади: $Z_i^{sn} = \frac{a \cdot b \cdot 1,262 \cdot 1,02 \cdot 1,33 \cdot 12}{m} \cdot k \cdot w \cdot c$ бу эрда а - 6 кунлик иш ҳафтаси билан асосий ўқув режаси (BUP) бўйича соатлар сони; d - бир ходимга тўғри келадиган соатлар сони (ўқитувчининг ҳафталик дарс юкламаси); b - разряд таъриф ставкаси бўйича ўртача тоифага мос келадиган ўқитувчиларнинг иш ҳақи ставкаси; 1,262 - ягона ижтимоий солиқ бўйича чегирмалар коэффитсиенти; 1,02 - ўсиш билан боғлиқ иш ҳақи фондининг ўсиш коэффитсиенти иш стажи, малака тоифаси ва бошқалар; 1,33 - юқори тариф фондидан қўшимча тўловлар ва нафақалар суммасига иш ҳақи фондини ошириш коэффитсиенти; 12 - йилдаги ойлар сони; m -	$F_{rc} = N_c \cdot U_c + N_r \cdot U_g + A_m$ Мослашиш даври тугагандан сўнг ва ҳар хил турдаги ва тупдаги турларни ҳисобга олган ҳолда стандартларни жорий этиш $F_{gs} = \sum_{i=1}^n N_i U_i$ бу эрда: F_{gs} - давлат стандартини амалга ошириш учун давлатнинг таъсис субъекти бюджетидан маҳаллий бюджетга ўтказиладиган субвенция ҳажми; N_c - қишлоқ жойлари учун аҳоли жон бошига ҳисобланган минтақавий стандарт; U_i - шаҳарлар учун аҳоли жон бошига ҳисобланган минтақавий стандарт; Биз - маълум бир муниципалитетдаги қишлоқ ўқувчилари сони; U_i - маълум бир муниципалитетдаги шаҳар талабалари сони; A_m - маълум бир муниципалитет учун ўтиш (мослашиш) учун белгиланган мослашув нафақаси. Бу эрда F_m - олдинги молиявий йилда маълум	$Z = \left(\frac{(Ta \cdot Sta) + (Tp \cdot Stp)}{m} \right) + \left(\frac{(Tu \cdot Stu) + (To \cdot Sto)}{m} \right) \cdot 1.262 \cdot 12 \cdot c/K$ бу ерда: Та - маъмурий ходимлар ставкалари сони (синфлар сонига қараб); Sta - ўртача тоифага мос келадиган маъмурий ходимлар учун иш ҳақи ставкаси; Тр - профессор-ўқитувчиларнинг лавозимлари сони (синфлар сонига қараб); Stp - ўртача тоифага мос келадиган профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳақи ставкаси; Ту - ўқитувчилар ва ёрдамчи ходимларнинг лавозимлари сони (синфлар сонига қараб); Сту - таълимни қўллаб-қувватлаш ходимлари учун иш ҳақи ставкаси, мос келади ўрта тоифа; То - хизмат кўрсатувчи гаровлар сони ходимлар (синфлар сонига қараб); Sto - ўртача тоифага мос келадиган хизмат кўрсатувчи ходимларнинг иш ҳақи ставкаси; 1,262 - битта учун ажратмалар коэффитсиенти ижтимоий солиқ; - йилдаги ойлар сони-12; m - мактабдаги ўртача синфдаги болалар сони;

	минтақа томонидан белгиланган стандарт синф ҳажми шаҳар ва қишлоқ мактаблари учун алоҳида таълим даражалари учун ўртача қийматларга мос келади; k - маъмурий, бошқарув, таълимни қўллаб-қувватлаш ва техник хизмат кўрсатувчи ходимлар учун иш ҳақи фондини ошириш коэффитсиенти; w – 4-жадвал билан тасдиқланган турли омиллар таъсирида нархнинг ўсиш коэффитсиентлари; с - қишлоқ муассасаларида иш ҳақини ошириш коэффитсиенти (25%)	бир муниципалитетда бепул умумий таълимнинг давлат кафолатларини таъминлаш учун ҳақиқий харажатлар йил (NPF жорий этилишидан олдинги йил), F_{nm} - стандарт бўйича ажратмалар ҳажми. Иккинчи модель бўйича молиялаштириш коэффитсиентини ҳисоблаш формуласи: Бу эрда F_m - олдинги молиявий йилда маълум бир муниципалитетда бепул умумий таълимнинг давлат кафолатларини таъминлаш учун ҳақиқий харажатлар йил (NPF жорий этилишидан олдинги йил), F_{nm} - стандарт бўйича ажратмалар ҳажми. Иккинчи модель бўйича молиялаштириш коэффитсиентини ҳисоблаш формуласи: муддат (3 йилдан кўп бўлмаган), формула билан белгиланади: $A_m = F_m - F_{nm}$ Бу эрда F_m - олдинги молиявий йилда маълум бир муниципалитетда бепул умумий таълимнинг давлат кафолатларини таъминлаш учун ҳақиқий харажатлар йил (норматив асосида молиялаштириш жорий этилишидан олдинги йил), F_{nm} - стандарт бўйича ажратмалар ҳажми. Иккинчи модель бўйича молиялаштириш коэффитсиентини ҳисоблаш формуласи: $Z = \frac{E}{P}$ Бу эрда: E – Жами харажатлар (ҳисобланган иш ҳақи, ўқув жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар); P - жами талабалар.	с – қишлоқ муассасаларида ишлаганлик учун иш ҳақи фонди харажатларининг ўсиш коэффитсиенти (25%); K - таълим муассасасидаги синфлар сони.
--	---	--	--

Жон бошига норматив молиялаштиришни жорий этишнинг мақсадларидан бири талабаларга таълим муассасасини танлаш имкониятини беришдир (ғоя шундан

иборатки, таълим ташкилотлари талабалар учун соғлом рақобатга киришади). Агар талабалар яхшироқ таълим ташкилотини танласа, уларнинг танлаган таълим ташкилотига ва таълим сифатига қониқишлари ортади.

4. Норматив молиялаштиришнинг тўлиқ бўлмаган моделларидан фойдаланиши.

5. Олдинги молиялаштиришга жорий стандартларни мослаштириш.

Буларнинг барчаси таълимни молиялаштириш соҳасидаги амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш ва уни амалга оширишни яхшилаш йўллари излаш зарурлигини тақозо этади.

Амалиётда таълим тизимини молиялаштириш жараёнини таҳлил қилиш, стандартларни ҳисоблаш ва мослашиш даврини аниқлашда минтақавий хатти-ҳаракатларнинг учта моделини шакллантиришга имкон берди. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, жон бошига молиялаштириш моделларни қуйидагича таснифлаш имконияти мавжуд.

Таълимни молиялаштиришда таълим муассасаларининг минтақавий ўзига хослиги айниқса, умумтаълим тизимини молиялаштиришда инобатга олиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бир қаторда, бюджет субсидиялари жорий этиш, субвенциялари, грантлар, солиқ имтиёзлари ва бошқалар берилишини тезлаштириш ва соддалаштирилган механизмларини амалиётга жорий этиш лозим бўлади.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса ўрнида таълим тизимини молиялаштиришни такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги мулоҳазаларни келтириб ўтиш мумкин бўлади.

Таълимни хусусан олий таълимни молиялаштиришда бугунги кунда кредит модел тизимига ўтганлигидан келиб чиққан ҳолда, ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш ҳамда белгиланган дастурлардан келиб чиққан ҳолда молиялаштириш тамойилларини белгилаш мақсадга мувофиқ. Молиялаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича муқаррар қарорлар чиқарилиши ва мавжудларини қайта кўриб чиқиш бугунги кун талаби сифатида қолмоқда.

Таълим муассасаларга молиявий эркинлик бериш лозим, айниқса, бюджетдан ташқари маблағлари тушуми ва тасарруф этилиши бевосита ўз ихтиёрида бўлиши самарали деб ҳисоблаймиз. Шу билан бир қаторда таълим тизимини молиялаштиришга давлат-хусусий шерикчилик амалиётини кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ буларди.

Адабиётлар /Литература/References:

Mingat, A. and Tan, J. (1996) *The Full Social Returns to Education. Human Capital Development Working Paper 73. World Bank: Washington, DC.*

UNESCO (2011) *UIS Statistics in Brief. Education (all levels) profile – France, Germany, Sweden, USA. Available at: <http://stats.uis.unesco.org>*

Агранович, М.Л., и др. (2003) *Система финансирования образования. Анализ эффективности. М.: Техно печать.*

Беляков, С.А. (2006) *Финансирование системы образования в России. М.: МАКС Пресс.*

Бланк, И. (2011) *Основы финансового менеджмента. Инфра-М.*

Доронова, Т.Н., и др. (2001) *Дошкольное учреждение и семья – единое пространство развития. М.: ЛИНКА-ПРЕСС, С. 5.*

Дўстмухаммад, Х.У. (2012) *Халқ таълимини самарали молиялаштиришни ташкил этиш йўллари. Автореферат. Тошкент: БМА, 22 б.*

Егупова, О.А. (2010) *Совершенствование финансового обеспечения муниципальных общеобразовательных учреждений. Автореферат. М.: Российский государственный социальный университет, 26 с.*

Жумаев, Н.Х. and Рахмонов, Д.А. (2018) Олий таълим олишни хусусий манбалардан молиялаштириш: назария ва амалиёт. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар электрон журналы, №5.

Иванова, Л.П. (2007) Финансирование образовательной сферы в условиях реформирования бюджетной системы. Автореферат. Нижний Новгород: ГОУ ВПО Волго Вятской АГС, 25 с.

Йўлдошев, Ж.Т. (2018) Олий ўқув юртларини молиялаштиришнинг долзарб масалалари. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар электрон журналы, №5.

Каримов, И.А. (2008) Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, Б.38.

Конвенция о правах ребенка (1998) Международные акты о правах человека / Сост. и вступ. ст.: В.А. Карташкин, Е.А. Лукашева. М.: Инфра-М, С. 306–324.

Махмудов, А.А. (2015) Олий таълим муассасаларида молиялаштириш тизимини бошқаришнинг халқаро амалиёти. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар электрон журналы, №1.

Норқобилов, Н.Н. (2017) Таълим тизимини бюджетдан ташқари молиялаштириш ва кадрлар тайёрлашда маркетингнинг ўрни. Замонавий таълим журналы, №8, Б. 36–40.

Сидорова, А.А. (2012) Стратегия управления системой образования как элемент государственной политики. Автореферат. Москва: МГУ им. Ломоносова, С. 28.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (n.d.) Маълумотлар. Available at: <https://stat.uz/uploads/docs/tur-dar-17uz1.pdf>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори (2018) “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. ПҚ-3698, 7 май. Available at: www.lex.uz

Федина, Н.В. (2005) Организационно-педагогические условия повышения эффективности муниципальной системы дошкольного образования. Автореферат. Елец: ЕлГУ им. И.А.Булдина, С. 24.

Шеров, А.Б. (2017) Таълим тизимини давлат томонидан молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари ва объектив зарурати. Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журналы, №3.